“Тасдиқлайман”
Бешариқ тумани мудофаа
ишлари бўлими
майор
А.Муратов

“___” ______2022 йил

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмеи: Бешариқ тумани Мудофаа ишлари бўлими сафарбарлик чақируви резервига танлаб олинган чақирилувчиларни тиббий кўрик, комиссия сухбати ва бир ойлик хизматга олиб бориш ва олиб келиш хизмати.

1.2. Хизмат буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 кунгача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати — ойма ойига хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бешариқ тумани Мудофаа ишлари бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлав ташкилотчиси хисобланади.

2.2. “Буюртмачи” манзили: Бешарик тумани Олтин водий кучаси.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага хамда юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

1) **Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилганмаблағларниберишга банк кафолатномаси** (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)

2) **Банк хисоб ракамларида предмет кийматининг камида 30 фоизи мивдорида пул маблаги борлиги тугрисида банк** (асли) **маълумотномаси** (Энг яхши таклиф утказиш кунига 5 иш куни буйича);

3) **Зарурий техникларнинг мавжудлиги** (чақирилувчиларни ташиш учун);

4) **Малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;**

5) **Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги хақида худудий ДСИнинг маълумотномаси асл нусхаси** (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни буйича);

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият Конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар хамда нархни 10 фоиздан ошиқ суний туширилган таклифлар

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Толиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Транспорт
Вазирлиги Фарғона вилоят транспорт
бошқарма бошлиғи
______________________________
«____ »__________________2022йил

# СОАТБОЙ ИШЛАЁТГАН ISUZI SAZ NP 37 АВТОБУСИ ВА ДАМАС АВТОМАШИНАЛАРНИНГ ШАРТНОМАВИЙ НАРХИ

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Д А М А С | | А В Т О Б У С | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Меъёр | Сумма | Меъёр | Сумма |
| 1 | Иш вакти | Соат | 8 | | 8 | |
| 2 | Умумий йул 1 кунда | Км | 300 | | 300 | |
| 3 | Йуловчилар сони | Дона | 6 | | 37 | |
| 4 | Ёкилги сарфи | Литр | 22 | | 80 | |
| 5 | Ишлаб чикариш харажати | Сўм | | 154 633 | | 429 838 |
| 6 | Иш хаки | Сўм | 6555 | 52 440 | 5068 | 60 192 |
| 7 | 12% ажратма | Сўм | 12% | 6 293 | 12% | 14 446 |
| 8 | Ёкилги сарфи | Сўм | 22 | 57 200 | 80 | 208 000 |
| 9 | Ёглаш ва ишлатиш материаллари | Сўм | 20% | 25 300 | 30% | 80 000 |
| 10 | Автошина емирилиши | Сўм | 95 000 Км | 5 600 | 95 000 Км | 22 800 |
| 11 | Кунлик ТК1-ТК2 харажатлари | Сўм | 2% | 4 700 | 2% | 14 800 |
| 12 | Емирилиши | Сўм | 365 кун | 3 100 | 365 кун | 29 600 |
| 13 | Давр харажати | Сўм | | 140 486 | | 228 535 |
| 14 | Бир кунлик хизмат нархи | Сўм | | 295 119 | | 658 373 |
| 15 | Рентабеллик | Сўм | 18% | 53 121 | 18% | 118 507 |
| 16 | Даромад ККС сиз | Сўм | | 348 240 | | 776 880 |
| 17 | 1 соат учун | Сўм | | 43 530 | | 97 110 |

**Асос: Метан газ ёқилғи 1 м3 = 2 600 с**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Бешариқ тумани Мудофа ишлари бўлими бошлиғи**
**_______________ А.Муратов**

## Бешариқ мудофа ишлари бўлими автотранспорт ижара хизматини амалга ошириш

| Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | ЖАМИ |
|---|---|---|---|---|
| Автобус ижара хизмати | Соат | 240 | 97 110 | 23 306 400 |
| Дамас ижара хизмати | Соат | 240 | 43 530 | 10 447 200 |
| ЖАМИ : | | 480 | | 33 753 600 |